

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 3 (5)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети
Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdurasulova Faxriya Bahtiyor qizi BUXORO AMIRLIGI IJTIMOYIY-IQTISODIY, SIYOSIY VA MA'NAVIY HAYOTINI O'RGANISHDA MANBASHUNOSLIK TAVSIFI	4
2. Abdullayev Akmaljon Xasanbay o'g'li O'ZBEKISTON TARIXI FANIDA DATA SCIENCENING O'RNI	13
3. Ergashev Husan Yusup o'g'li MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIX FANI VA TA'LIMINING RIVOJLANISHIDA O'ZMU TARIX FAKULTETINING O'RNI VA AHAMIYATI	19
4. Кенджаев Якуб Юсупович СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИРИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ (1941-1945)	26
5. Kandaxarov Anvar Xasanovich O'RTA ASR DAVLATCHILIGIDA DIN VA TASAVVUF VAKILLARINING TA'SIRI	31
6. Мухамедов Якубджан Кадирович ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ВИЗАНТИЯ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	44
7. Нишанбаева Энахон Зарипбаевна ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ	54
8. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ БУХОРО ТАНГАЛАРИГА ДОИР	64
9. Toshxujayev Shoxrux Erkin o'g'li BOBURIYLAR SULOLASINING JAHONSIVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI	74
10. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING BOSHQARILISHIDA KADRLAR MASALASIGA OID SIYOSATI	80
11. Эшқурбонов Фазлиддин Нуралиевич., Аннаев Джалолиддин Тухташевич ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР	87
12. Шакиров Ильяс Рахимзянович ВОПРОСЫ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КОРОЛЕВСТВА ТАИЛАНД (1991-2016)	101

Кенджаев Я.Ю.

“Ижтимоий фанлар ва
рақамли технология” кафедраси ўқитувчиси
Осиё технологиялар университети
kendjayevyakub@gmail.com

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИРИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ (1941-1945)

АННОТАЦИЯ

Уруш йилларида саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчирилиши натижасида электроэнергияга бўлган талабни оширди, бу эса янгитдан катта қўламда ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий электростанциялар қурилишини, Мараказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда барпо этилишини ҳаётий заруратга айлантириб қўйди.

Калит сўзлар. саноат корхоналари, электроэнергия, электростанция, Ўзбекистон Компартияси, пленуми, гидроэлектростанция, металлургия, фабрика, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети, иссиқлик электростанцияси.

Кенджаев Я.Ю.

Преподаватель кафедры “Социальных наук и
цифровых технологий”
Университет азиатских технологий
kendjayevyakub@gmail.com

РАЗМЕЩЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ ПЕРЕСЕЛЕННЫХ С ЗАПАДНЫХ ОБЛАСТЕЙ СОВЕТСКОГО СОЮЗА (1941-1945)

АННОТАЦИЯ

В статье показано, что в результате передислокации промышленных предприятий в Узбекистан в годы войны возрос спрос на электроэнергию, что вновь сделало жизненно необходимым строительство современных электростанций с крупномасштабной производственной мощностью, строительство в странах Центральной Азии, включая Узбекистан.

Ключевые слова. промышленные предприятия, электроэнергетика, электростанция, отделение Узбекистана, пленум, гидроэлектростанция, металлургия, завод, Совет народных комиссаров Узбекской ССР, тепловая электростанция.

Kendjayev Y.Y.

Asian technologies
at the University of Technologies
“the department of social sciences
and digital technologies” teacher
kendjayevyakub@gmail.com

PLACEMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES RELOCATED FROM THE WESTERN REGIONS OF THE SOVIET UNION (1941-1945)

ANNOTATION

As a result of the relocation of industrial enterprises to Uzbekistan during the war years, the demand for electricity increased, which made the construction of new, large-scale modern power plants in Central Asia, including Uzbekistan, a vital necessity.

Key words. industrial enterprises, electric power, power plant, Uzbekistan Communist Party, plenum, hydroelectric plant, metallurgy, factory, Soviet of People's Commissars of the Uzbek SSR, thermal power plant.

КИРИШ

XX аср инсоният тарихида Иккинчи жаҳон уруши энг фожиаи из қолдирган тарихий воқеалардан саналади. Ҳозирда жаҳондаги давлатлар ўртасида тинчликни асраш, алоқаларни мустаҳкамлаш марказий ўринда турган халққаро долзарб масалалардан бўлиб келмоқда. Шу ўринда фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси муносиб бўлиб, бу даврда республикага кўчирилган аҳолига халқимиз томонидан кўрсатилган меҳр-муҳаббат бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик, бағрикенглик фазилатларини намоиш этди. Эндиликда, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираси учун 2004 йил ноябр БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида 8 ва 9 май кунларини Хотира ва Яраш куни сифатида эълон қилиниши бу борадаги муҳим тадбирлардан саналади.

Ҳозирда дунё мамлакатларида Иккинчи жаҳон уруши даври тарихини тадқиқ этиш ўз аҳамиятини йўқотмаган масалар қаторида қаралади. Шу муносабат билан, уруш йилларида собиқ иттифоқ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда бу соҳалар ҳолати ва муаммоларини ўрганиш бўйича ҳорижда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Собиқ Иттифоқ бўйича эвакуация йўналишларини белгилашда аниқ тартиб ва режалар ишлаб чиқилди. Шунга қарамай баъзи ҳолларда уруш шароитидан ва ташкилий тартибсизликлардан келиб чиқиб режалаштирилган ҳудудлар кўчирилаётган корхоналарни қабул қилолмасди. Кўчирилаётган корхоналарнинг асбоб-анжомлари бошқа ҳудудларга адашиб жўнатилиб юбориш ҳоллари ҳам учраб турар эди. Шу

боисдан ҳам баъзи ҳудудлар режалаштирилмаган корхоналарни ҳам қабул қилишга мажбур бўларди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ҳарбий вазият туфайли баъзи корхоналарни қисман ёки умуман кўчириш имконияти бўлмасди, бундай ҳолларда уларнинг баъзилари ўз жойларида қоладди. Шунингдек, баъзи ҳолларда йирик корхоналар цехлари алоҳида бир неча шаҳарларга жўнатилиб, у ерда алоҳида корхоналар сифатида фаолият кўрсатарди. Асбоб-анжомлари тўлиқ кўчирилмаган бир неча турдош корхоналар янги жойда битта корхонага айлантирилди. Шунинг учун эвакуация рўйхатига киритилган, демонтаж қилинган ва тикланган корхоналар сони турлича кўрсаткичларни ҳосил қилган. Жумладан, Тошкент электр кабель заводи ўза вақтда Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган бир неча саноат корхоналари асбоб ускуналарини бирлаштириш асосида вужудга келтирилган эди[1].

Баъзи эвакуация корхоналарининг асбоб-ускуналари икки-учта бўлиниб, турли шаҳарларга тарқалган эди. Бир қисм дастгоҳлар мустақил завод сифатида фаолият олиб боролмас эди. Белоруссиядан кўчирилган тикув фабрикасининг фақат электромоторлари ва хом ашёси 3 вагонда Тошкентга етиб келди ва албатта, фақат электромоторлар билан фабрика тиклаб бўлмасди[2]. Бу фабрикани тиклашда ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарган эди.

Юқоридаги ҳолатлардан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистон ССРга кўчирилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ қуват билан мустақил фаолият кўрсатмаган. Кўчириб келтирилган фабрика ва заводларнинг асбоб ускуналари асосида 47 янги корхоналар барпо этилди, маҳаллий корхоналарнинг қуввати оширилди[3]. Асбоб-анжомлари тўлиқ етиб келмаган ва бир цехда жойлашган, бир соҳа корхоналари бир-бирига қўшиб юборилган. Бу эса ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этилишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келган. Масалан, Тошкент шаҳрига эвакуация қилинган Ленинград (ҳозирда Петербург) машинасозлик заводи ҳамда “Росселмаш”нинг бир бинода жойлаштирилиши уларнинг тезкорлик билан ишга туширилишига ҳалақит берганди.

Муаммо биринчи навбатда бошқарув соҳасига тегишли бўлиб, икки директорнинг бўлиши ташкилий масаларни қийинлаштирган. Шу боисдан икки заводни қўшиб, ягона бошқаувга ўтилган эди[4]. Бу эса директорнинг масъулиятини ошириб, ишлаб чиқариш қуватининг ошишига, энг муҳими фронт учун тезроқ маҳсулот етказиб еришни бошлашига олиб келган эди.

Мингдан ортиқ йирик завод ва фабрикаарнинг Шарқий ҳудудларга кўчирилиши улкан ташкилий-иқтисодий жараён бўлиб, мураккаб ва экстремал шароитларда амалга оширилган. Эвакуция жараёнида аҳоли ҳам ишчи ходимлар ҳам ўзларининг фидокорликларини, қаҳрамонлик наъмуналарини кўрсатдилар. Шу билан кўчириш жараёнида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу

ҳақда 1941 йил 10 декабрдаги СССР Давлат Режа Қўмитаси маълумотномасида эвакуация билан боғлиқ камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган[5].

Унда қайд этилишича баъзи ҳолларда корхоналар эвакуация қилинаётганда, уларнинг асосан асбоб ускуналари эвакуация қилиш жараёнида баъзан зарур асбоб-анжомлар қолиб кетган, ёки бошқа регионга кетиб қолган ҳоллари ҳам бўлган. Натижада ушбу дастгоҳни топиб, иш жараёнини бошлаш, корхонани тўлиқ қуват билан ишга тушириш учун қўшимча вақт, маблағлар сарфланишига тўғри келган. Масалан, Бухорообластига Харьков шаҳридан эвакуация қилинган велосипед заводининг дастгоҳларини бир қисми келмаган, уни РСФСРнинг бошқа бошқа ҳудуддан олиб келиб ўрнатиш ва завод фаолиятини бошлаши учун қўшимча яна бир ой вақт сарфланган эди[6].

Бундай масаларни ҳал этиш, муаммоларни олдини олиш, Ўзбекистонга эвакуация қилинган корхоналарни қабул қилиш, жойлаштириш ва ўз вақтида ишга тушириш масаларини зудлик билан ҳал этиш мақсадида махсус комиссия тузилганди. Ресублика областларида эса ресублика комиссиясига бўйсунувчи област комиссиялари фаолият олиб борган эди[7]. Комиссиялар фабрика ва завод раҳбариятлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, кохоналарнинг жойлашув ҳудудлари, ишга тушиш вақти, керакли ҳом ашё ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш ишларига бевосита раҳбарлик қилиб, ташкиллаганлар.

Эвакуация жараёнидаги мавжуд муаммолардан яна бири, кўчириб келтирилган кохоналар янги жойда тикланган ҳолатда ҳам ишчи кучи муаммоси туфайли, фаолият бошлаши кечикар эди. Чунки кўчирилиш жараёнида корхоналар асбоб анжомлари билан бирга ишловчи муҳандис-техник ходимларни тўлиқ кўчиришнинг имкони бўлмаган эди. Маҳаллий аҳолидан ишчи ходимларни тайёрлаш қўшимча вақт ва эътиборни талаб этар эди.

Шундан келиб чиқиб эвакуация қилинаётган корхоналар ходимларини асбоб-ускуналар билан бирга кўчишига эришиш учун уларга турли турдаги рағбатлар ва қўшимча имтиёзлар берилди. Озиқ-овқат нормалари, маош тайинлашни белгиловчи норматив ҳужжатларда кўчирилаётган фабрика ва завод ишчи-ходимлари алоҳида категорияларга киритилди.

Эвакуация шартларига кўра, корхона янги жойга ишга тушгунга қадар ишчиларга тўлиқ маоши (охирги 3 ойдан ўртача қилиб олинган) сақланган. Корхона ишга тушганда бир марталик ёрдам тўлови тўланган. Ёрдам пули ишчи-ходим учун бир ойлик оклад, $\frac{1}{4}$ оклад турмуш ўртоғи учун ва ҳар бир фарзандига $\frac{1}{8}$ оклад миқдорида пул тўланган. Шунингдек, корхона иккинчи ва ундан кейинги марта кўчирилганда фақат кунлик тўлов (ойлик маошининг 3 фоизи миқдорида) ва йўл ҳақи тўланиши белгилнганди[8].

Ўзбекистон ССРга кўчирилган ва аниқ корхоналарга бириктирилмаган мутахассислар касбий фаолиятига қараб, республикада мавжуд корхоналарга

юборилди. Кўчирилган аҳоли саноатдан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа жабҳаларида ҳам самаралий меҳнат қилди. Масалан, 1941 йилда Ўзбекистонда қанд лавлаги экишнинг бошланиши билан бу соҳада тажрибалий эвакуация қилинган колхозчилардан 5 минги Фарғона, Тошкент ва Самарқанд областларига жойлаштирилди[9].

ХУЛОСА

Хусусан, Ўзбекистон ССР ва унга туташган Тожикистон ССР ҳамда Қирғизистон ССРнинг бир қанчарайонларида 150 га яқин темир руда конлари борлиги аниқланди. Бироқ кўп жойлардаги илмий қидирув ишлари охирига етказилмай қолган эди. Аниқланган охириги маълумотларга кўра Турганли ва Откулоқ каби жойларда мавжуд бўлган темир рудалари захиралари 1353 минг тоннани ташкил қилган эди. Шу захира ҳисобидан ҳар йили 140 минг тоннага қадар чўян ишлаб чиқариш мумкин эди. Бундан ташқари Ўзбекистонда ва Қирғизистоннинг Жанубий қисмида металлургия саноатини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган марганец, руда запаслари, шунингдек, металлургияда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган магнезитлар запаси топилган эди.

Ўрта Осиё Республикалари, хусусан Ўзбекистонда металлургия саноатини ривожлантириш учун коксланган кўмир зарур эди. Бундай Кўмир Қирғизистоннинг Кўкёнғоқ ва Ўзбекистоннинг Бойсундаги конларида мавжуд эди.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Ўзбекистон ССР тарихи қадимги давирлардан ҳозирги кунларгача. – Тошкент: Фан, 1974. –Б. 468.
2. Бабаджанов Х.Б. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг трансформацияси: жараёнлар ва муаммолар. –Тошкент, 2017. – Б.22.
3. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны Т.І. –Ташкент: Фан, 1981. –С.114.
4. Ўз МА, Р-837-фонд,32-рўйхат, 2787-иш, 120-варақ.
5. Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920-1950-е годы: темпы экономического роста структура, организация производства и управление, -Москва: РОССПЭН, 1996. –С. 142.
6. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 5487-иш, 56-57-варақлар.
7. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.1. –С. 115.
8. Потёмкина М.Н. Зарплата и социальная справедливость в условиях мобилизационной модели (1941-1945 годы). Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века, сборник материалов II всероссийской конференции. Челябинск, 2012. –С. 501.
9. Ўз МА, Р-837, 32-рўйхат, 2784-иш, 287-варақ.